

ICCR стипендия дастури 2018-2019

Хиндистон элчихонаси ҳамда Хиндистон маданият маркази томонидан Ўзбекистон талабалари учун 2018-2019 йилларга мўлжалланган стипендия дастури эълон қилинди. Мазкур стипендия дастурида Ўзбекистон талабалари учун 20 та ўрин ажратилган бўлиб, у таълим соҳасининг барча йўналишларини ўз ичига қамраб олган.

Лойиҳада иштирок этиш учун номзодлардан қуийдагилар талаб этилади:

- Аризаларни онлайн тарзда **09.02.2018** йилгача топшириш;
 - Аризанинг барча пунктларини тўлиқ ва тўғри тўлдириш;
 - Инглиз тилини яхши билиш;
 - Номзод онлайн танлаш йўли орқали ўзи истаган курсни тўлиқ кўрсатиши;
 - У таълим олишни истаган университетининг ICCR (Хиндистон маданий алоқалар кенгаши) дастурида мавжуд бўлиши;
- (http://iccr.gov.in/sites/default/files/University_List_GCSS%281%29.pdf)
- Тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани онлайн шаклда тақдим этиш;
 - Докторантура курсларига топширувчи номзодлар ариза билан биргаликда илмий иши тўғрисидаги маълумотни (synopsis) ҳам илова қилиш;
 - Физика, математика ва кимё фанлари бўйича юқори лайоқатга эга бўлиш;
 - 18 ёшдан юқори бўлиш;

Саралаш босқичи Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси хузуридаги маданияти марказида имтиҳон асосида ўtkазилади.

ICCR стипендия дастури билан боғлик (**йўл харажатларидан ташқари**) барча (ўқув машғулотлари, яшаш ва озиқ-овқат) ҳаражатлар Хиндистон томонидан қопланади.

ICCR стипендия дастурида қатнашиш учун 2018 йил 09 февралгача рўйхатдан ўтиш ҳамда барча керакли анкеталарни қуийдаги веб-саҳифалар орқали тўлдириш талаб қилинади: www.iccr.gov.in ёки <http://a2ascholarships.iccr.gov.in>

ТИҚҲММИ Халқаро алоқалар бўлими